

БУГУННИНГ ҲИКМАТИ

«Ваҳиманинг ўзи ярим касалликдир, хотиржамлик ярим соғлиқдир, сабр эса шифонинг бошланишидир.»

Абу Али ибн Сино

Ўзбекистон фуқароларининг коронавирус инфекцияси юзасидан саволларига ўз вақтида жавоб қайтариш учун 1003 рақами билан Call-марказ ташкил этилган. Ушбу марказда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 200 дан ортиқ малакали мутахассислари мурожаатларга жавоб қайтаришмоқда.

Агар сизда COVID-19 – коронавирус инфекцияси ва у билан боғлиқ вазият юзасидан қўшимча савол тугилса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг

71 276-49-66 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг тарқалиши ва унга қарши қўрилаётган чоралар бўйича аҳолини тўғри, ҳолис ва аниқ маълумотлардан тезкор хабардор қилиш мақсадида телеграмда @koronavirushinfouz расмий канали иш юритмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил

18 март

ЧОРШАНБА

№ 23 (13284)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Саноат ва салоҳият: КИЧИК ЗОНАЛАРНИНГ КАТТА ҲИССАСИ

Олмалиқ шаҳри “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги собиқ “Уй-жой қурилиш комбинати”нинг 11,4 гектар ер майдонида Олмалиқ кичик саноат зонаси ташкил этилган.



Бу ҳақда Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларида ташкил этилган кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорларга яратилган имкониятлар билан яқиндан танишиш мақсадида ўтказилган медиа-турда маълум қилинди.

Кичик саноат зонасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидан бири фармацевтика ва гигиена воситаларини қадоқлашга ихтисослашган “Sunrise Medical” масъулияти чекланган жамиятидир. Мазкур жамият 2018 йил декабрь ойида иш бошла-

ган бўлиб, 15 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхонага жами 900 млн. сўм инвестиция киритилган. Ҳозирги кунда корхонада бир неча турдаги дори маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, республикамизнинг барча ҳудудларига етказиб берилмоқда.

Шу кунги тадбир иштирокчилари “Bo’ston Food Company” ва “Qurulish Bizness” корхоналари фаолияти билан ҳам танишдилар.

Таъкидлаш керакки, кичик саноат зонасида яна 3 та корхонада қурилиш олиб борилмоқда. Уларнинг тўлиқ қувватда ишга тушиши

Бугунги кунда бу ерда 3 та йирик лойиҳа ишга туширилган бўлиб, бунинг натижасида 13,957 млн. сўмлик маблағни ўзлаштириш ҳисобига 74 та янги иш ўринлари яратилган.

натижасида 90 га яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бу, албатта, ҳудудда ишсизликни камайтириб, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар



ОБОДЛИК САОДАТИ

Аввал хабар берганимиздек, ўтган шанба ва якшанба кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, вилоятимизда ҳам “Обод юрт” умумхалқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хайрия ҳашари ўтказилди.



Яшариш ва янгилаш фасли – Наврўзи олам олдида ўтказилган ҳашарда вилоятимизнинг бир миллионга яқин аҳолиси қатнашди. Уюшқоқлик билан ўтган ҳашарнинг биринчи кунинда:

300 минг нафардан зиёд юртдошларимиз иштирок этди. 951 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилиб, тозаланди;

ҳудудларда 290 километрдан ортиқ узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланиб, 578 тоннадан зиёд чиқинди чиқариб ташланди;

586 та қабристон ва 16 та зиёратгоҳ ободонлаштирилиб, 37 минг 165 туп гул ва дарахт кўчати экилди;

кун давомида 28 минг туп дарахт оқланиб, шакл берилди;

132 та техника воситалари, жумладан, 21 та чиқинди ташийдиган махсус машина, 18 та экскаватор, 58 та трактор тиркама, 17 та автобус, 5 та оғир юк ташувчи ва 5 та енгил автоулов жалб этилди.

Шунингдек, икки кунлик ҳашар давомида ободонлаштирилган манзиллардан маийши чиқиндиларни олиб чиқиш, ариқ-зовуларни тозалаш, экинзорларни тартибга келтириш каби ишларга 2 мингга яқин техника воситалари, трактор ва тиркамалар жалб этилди.

Бундан ташқари, ҳашар кунлари эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди, кўплаб оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.



Газетада босилгач...

БИР МУАММО КУНДА ҲАЛ БЎЛДИ

Газетамизнинг расмий телеграм канали @haqiqatonline га Янгийул тумани, “Чортоқ” маҳалласидаги Найман кўчасида яшовчи аҳоли номидан Шахноза Жумаева

мурожаат қилиб, кўчадан ўтган газ қувурлари пастга тушиб кетганлиги ва улардан ис гази чиқаётгани, шунингдек, ичимлик суви йўқлиги, кўчалар таъмирланмагани, симёғочлар ва ёритиш чироқлари ўрнатилмагани ҳақида ёзган эди. Мазкур мурожаат газетамизнинг 14 мартдаги 22-сониде эълон қилинган, мутасаддилар бир кундаёқ аҳоли учун хавф тугдираётган газ қувурларини таъмирлаб кетишгани ҳақида хабар келди.

Маҳалла аҳолиси газета аралашгач, битта муаммолари тезлик билан ҳал бўлганидан миннатдор.

Ижтимоий ҳаёт: ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ



Унда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш

бўйича тасдиқланган йўл харитасига асосан “Дўстлик 1” ва “Гул” маҳаллаларида амалга оширилиши кўзда тутилган иқтисодий лойиҳалар тақди-

Қуйи Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қахрамон Қуронбоев тадбиркорлар билан учрашди.

моти бўлиб ўтди.

Бу лойиҳаларда “Дўстлик 1” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 250 ўринли мактаб, 170 ўринли болалар боғчаси, 10 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ва замонавий минифутбол майдончаси қурилиши, маҳалла фуқаролар йиғини биноси

таъмирланиши режаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, “Гул” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Маданият саройи, болалар учун спорт мажмуаси, хотира монументи ҳамда бир неча кам таъминланган оилалар учун қуриладиган уйлар режаси муҳокама этилди.

Коронавирус: БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТАР-КЕТАР



Хабар берилганидек, ўтган йилнинг сўнги ойида Хитойда қайд этилиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларига шиддат билан тарқалган (COVID-19) коронавирус инфекцияси Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Энг сўнги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда вирусга чалинган беморлар 11 нафарни ташкил этмоқда.

Шу муносабат билан республикамизда зудлик билан хавфни бартараф этиш ва вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан:

16 март кундан жаҳоннинг барча мамлакатлари билан авиа ва автомобиль қатновлари тўхтатилди;

оммавий тадбирлар, шу жумладан, Наврўз байрами муносабати билан ўтказиладиган умумхалқ сайиллари бекор қилинди;

футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари тўхтатилди; мамлакатдаги барча оммавий томошалар тўхтатилди, концертлар ҳам қолдирилди; барча таълим муассасаларида таълим карантини эълон қилинди; талабалар уйлари етиб олишлари учун йўл чипталари 50 фоизлик chegirma билан сотилмоқда.

Мавзуга доир мақолаларни 2-саҳифада ўқинг

Коронавирус:

БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТАР-КЕТАР

(Давоми. Бошланғич 1-санафидан)

Афсуски, коронавирус юртимизга ҳам етиб келди. Аммо, ваҳима ва тушқунликка тушишининг ҳолати йўқ. Аксинча, ўзимизни қўлга олиб, вазиятни тўғри баҳолаб ҳаракат қилишимиз керак. Бундай вазиятда ўзимиз, оила аъзоларимиз ва атрофимиздагиларни асраш учун бир-бирига ҳаракат қилсак, касалликни албатта енгамиз.

Бунинг учун мутахассислар томонидан берилётган барча тавсияларга амал қилишимиз шарт.

Касалликдан сақланиш учун ҳар бир фуқаро куйидаги тавсияларга амал қилиши керак:

- зарурат бўлмаган тақдирда оммавий тадбирларда иштирок этишдан имкон қадар чекланинг!
- кўпларни тез-тез, яхшилаб совун билан ювинг ва спиртли дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланинг!
- фарзандларингизнинг қўли ювишни доимий назоратга олинг!
- юз-қўзингизни кир қўл билан ушламанг!
- уй ҳайвонларини боқишда, асрашда гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинг!
- одамлар олдига йўталганингизда ёки аксирганингизда оғзингиз ва бурнингизни дастурмоқ, салфетка ёки буқилган тирсагингиз билан тўсинг!
- шамоллаш ёки грипп аломатлари бор одамлар билан яқин, юзма-юз мулоқот қилишдан чекланинг!
- оқлатилишида яхшилаб пиширилган, асосан қайнатилган ва қовурилган таомлардан истеъмол қилинг, истеъмол қилинаётган гўшт ва сўт маҳсулотларининг яхши пишиганига ишонч ҳосил қилинг!
- иситма, йўтал ва нафас қисқиши ҳолатлари пайдо бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат қилинг!

Энг асосийси, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинг!

Коронавирус, грипп ва шамоллаш белгиларининг фарқлари:

Белгилари	Коронавирус	Шамоллаш	Грипп
Ҳарорат ошиши	Тез-тез	Совин	Тез-тез
Чарчоқ	Баъзида	Баъзида	Тез-тез
Йўтал	Тез-тез (кўриқ)	Совин	Тез-тез (кўриқ)
Аксирши	Йўқ	Тез-тез	Йўқ
Бўғимлардаги оғриқ	Баъзида	Тез-тез	Тез-тез
Тумов	Камдан кам	Тез-тез	Баъзида
Томоқ оғриғи	Баъзида	Тез-тез	Баъзида
Ич кетиши	Камдан кам	Йўқ	Баъзида
Бош оғриғи	Баъзида	Камдан кам	Тез-тез
Нафас қисилиши	Баъзида	Йўқ	Йўқ

РАСМИЙ БАЁНОТ

Дунё ҳамжамиятида коронавирус касаллиги бўйича вазият мураккаблигича қолмоқда. Шу муносабат билан Республикада ҳам баъзи карантин ва чеклов тадбирлари ўтказилмоқда.

Карантин ва чеклов тадбирларини бузганлик ва касаллик учоғига борганлик ҳамда беморлар билан мулоқотда бўлганлик ҳақидаги маълумотларни яширганлик учун жиноий жавобгарлик мавжудлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қар-

ши кураш қоидаларини бузиш, яъни 257-1-моддасида қайд этилган жиноятни содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эътибори бараваридан юз бараваригача миқдорда жазима солиш ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг Эпидемияларга

қарши кураш қоидаларини бузиш, яъни, 54-моддасида қайд этилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик ҳолати бўйича — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жазима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ахборот хизмати

САРОСИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

Хабарингиз бор, жаҳоннинг 135 та давлати ҳудудига кириб бориб, баъзан одамларнинг ҳаётига зомин бўлаётган коронавирус аломатлари Ўзбекистонда ҳам расман қайд этилди. Эндиги муҳим вазифа вирус тарқалишининг олдини олишдир. Бу борада давлатимиз томонидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Вилоятимизда ҳам аллақачон тезкор амалий ишларга киришилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида тузилган штаб ишчи ҳолатда туну кун ўз фаолиятини олиб бормоқда. Барча шаҳар ва туман тиббиёт муассасаларида карантин назоратига олинган фуқароларимиз учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларни малакали мутахассислар мунтазам текширишдан ўтказиб туришибди. Бундан ташқари, ҳудудларда патронаж хизмати масъулиятни тўлақонли англаган ҳолда,

доимгидан ҳам кучлироқ, самаралироқ ишлаяпти. Шунингдек, Вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мутахассислари томонидан мактаблар, боғчалар, бозорлар ва, айниқса,



жамоат транспортларида дезинфекциялаш ишлари олиб боришмоқда. Бундай вазиятда биздан ваҳима берилмасдан, коронавирусдан ҳимояланиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган тавсияларга риоя қилиш талаб этилади.

Бу тавсияларга амал қилган инсон нафақат ўзини, балки яқинларини ҳам вирусдан ҳимоялаган бўлади.

Тўрақул АРЗИҚУЛОВ, Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи



ВАҲИМА БИЛАН КАСАЛЛИК ЧЕКНИБ ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистонда коронавирус касаллиги аниқланган кундан бошлаб, ундан сақланиш бўйича керакли чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги тавсиялар кенг жамоатчиликка пешма-пеш етказиб турилибди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида оммавий маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, Наврўз сайиллари ҳам вақтинчалик бекор қилинди.

Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган брифингда карантин вақтида тежиривилмаган, одамларни ваҳимага солмаган хабарлар тарқатган шахсларга нисбатан амалдаги қонунчилик доирасида жиноий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши таъкидлаб ўтилди. Аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш 44 млн. 600 минг сўмгача жазима, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шундай экан, мутасадди раҳбарлар томонидан билдирилаётган аниқ маълумот ва фактларга таяниш лозим. Ҳукуматимиз томонидан нарх-наволарнинг асосийси охири кетишига йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Ушбу йўналиш бўйича Давлат солиқ қўмитасига тегишли топшириқлар берилган. Барча шаҳар ва туманларда нарх-наволарни кузатиб борувчи жамоатчилик ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Ишчи гуруҳлар томонидан нарх-наволар назорат қилинади, аниқланган ҳолатларда эса қонуний чора кўрилади.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, фуқароларимизга аввалмабор шахсий гигиена, шунингдек, эпидемиологлар бераётган тавсияларга қатъиян амал қилишни, ортинча ваҳима гирдобига тушмасдан босиқлик ва ҳамжиҳатлик билан иш кўришни маслаҳат берамиз. Дарвоқе, инфекциядан сақланиш учун озиқ-овқат гамлаш эмас, оддий гигиена талабларига риоя этиш кифоя.

Энг асосийси, масъулиятни ҳис қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз саломатлиги учун тавсия қилинаётган тегишли кўрсатмаларга амал қилайлик.

Моҳира ХОДЖАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



ҚОРИН ҚАЙҒУСИ — ҚОЗОНГАЧА

Эҳтиёт чораси сифатида республикада карантин эълон қилингандан сўнг, баъзи фуқароларимиз саросимага тушиб, озиқ-овқат маҳсулотларини гамлаш илинжида ўзларини бозор, супермаркет ва дўконларга ура бошлашди.

Вилоятимиздаги бозорларда савдо қилаётганлар билан суҳбатдан билдикки, ваҳимага берилган одамлар маҳсулотларнинг нархини ҳам сўрамай, сотиб олишмоқда.

Афсуски, халққа келган оғир синовдан ҳам ўз нафси йўлида фойда кўриб қолганга уринадиган тадбиркорлар учрамоқда. Ана шундай "уддаборон" тадбиркорларнинг фаолиятига чек қўйиб, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг охири кетишига йўл қўймаслик борасида виллоят Солиқ бошқармаси томонидан зарур чора-тадбирлар олиб бориляпти. Хусусан, барча туман ва шаҳарларда маҳ-

сус ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг асосийси равишда оширилишига қарши қўламли ишларни амалга оширишмоқда.

Чунончи, ишчи гуруҳ вакиллари ҳар кун бозорлар ва савдо комплексларига бориб, тадбиркорлар билан тушунтириш ўтказишмоқда.

Таъкидлаш кераки, карантин эълон қилинган шу даврда саросима ва ортинча ваҳимага берилмасдан ҳамжиҳатликда, хотиржам ҳаракат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда вазиятни теран англаган ҳолда, виждон амри би-

лан савдо қилиб, харидорларнинг дуосини олаётган тадбиркорларимизга раҳмат айтамыз.

ЭСЛАТМА: агар сиз айрим инсофсиз тадбиркорлик субъектлари томонидан нархларнинг асосийси оширилишига гувоҳ бўлсангиз, Давлат солиқ қўмитасининг (71) 244-98-98 "Ишонч телефони" ёки қисқа "1198" рақамли Call-марказга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати

Дарвоқе Палов, жиз, кабоб бор... АММО СОВУН ЙЎҚ!

“Ўзингизни эҳтиётланг, фалон-фалон нарсаларга амал қилинг”, деган огоҳлик чақирқиқлари у кулгимиздан кириб, бунисидан чиқиб кетаётганга ўхшайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг СМСлари, мутасаддиларнинг тушунтиришларига қарамай, бу лаянати вирус билан курашиш кўнимасига ҳалиям эга эмасмиз. Тўғрироғи, одамларимизда бунга е ҳафсала йўқ ёки жиддий ендашув.

Кеча Хайрулла Қўлиев деган юртдошимиз номидан келган мурожаатда шу ҳақда кўнжаклик билан фикр билдирилди:

“Ёшми катталар ҳақида ҳам қайғурмасак бўлмайди. — деб езибди у. — Хавотирга, ваҳимага берилмаслик керак, албатта. Лекин, бу беларво бўлиш дегани эмас-ку. Шу кунларда чойхонаю ошхоналар, ресторону барлар ҳар доимгидек гавжум. Одамлар бамайхотир еб-ичиб, уйин-кулги қилиб ўтиришибди...”

Аммо, карантин деган чора, аввало, ана шундай жамоат жойларига тегишли эмасми? Энг ёмони, аксарият оватланиш шаҳобчалари, чойхонаю кафеларда кўл ювиш учун ҳам шароит йўқ. Оддий совун қўйилмаган ҳатто.

Мижозлар фойдаланадиган ҳолатхоналарда-ку аҳоли жуда чатоқ, Антисанитария ҳолати!

Афсуски, бундай жойлардан чиқиб, қорнимизни туйғазиб, тўғри уйимизга, бола-чақамиз, ота-онамиз олдига борамиз. Вирус деган бало ана шу усулда урчиқди-да, аслида. Бошқа пайти-ку майли. Лекин, ҳозиргидек мураккаб вазиятда санитария талабларига имкон қадар амал қилиб, кўл ювиш учун мосламалар, совун, илжи бўлса, суюқ совун қўйишларини сўраган булар эдик тадбиркорлардан.

Санитария ва эпидемиология марказлари ҳам бу масалани жиддий назорат остига олса, яхши бўларди. Одамларимиздан ҳам ўтинчимиз шуки, аввало ўзингизни асраг. Халқ учун, мамлакат учун келтирган энг катта фойдангиз шу бўлади...”

platformuz

Сўнгги йилларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам талай ислохотлар амалга оширилмоқда. Тизимдаги ўзгаришлар, кадрлар масаласидаги муаммолар хусусида қарийб эллик йилдан бери мана шу соҳада фаолият юритиб келаётган виллоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Гаффор Норматов билан суҳбатлашдик.

— Гаффор ака, ишингизнинг паст-баланди, оғир-енгиллигини билар бир оз хабаримиз бор...

— Очиги, коммунал хизмат кўрсатувчи ходим деганда кўпчиликнинг хаёлидан: “Шу ҳам иш бўлибди, енгил-епли ишлари учун одамларнинг жарақ-жарақ пулини оладиганларда”, деган фикр келади. Баъзилар тасавурида эса “уст-бошидан мой ва бўёқ хиди анқийдиган, кўн-жилли этик кийган, юз-қўллари қора-қура ишчи намоён бўлади. Ҳаттоки, кўп қаватли уйларда яшовчилар бирор носозлигини таъмирлаш учун уларни хонадонларига чақиртиришда, белисанд ҳам қарашади. Албатта, иссиқ ва совуқ сув, сувоқова ва бошқа тармоқларда таъмирлаш ишлари билан шуғулланадиганларнинг маҳсус кийимлари тез-тез ифлосланиш табиий ҳол. Буни кимдир тўғри қабул қилади,

Жараён

кимдир эса йўқ...

Эндиликда соҳа ходимларига нисбатан одамларнинг фикри ижобий томонга ўзгармоқда. Чунки, кўп қаватли уйларда яшовчилар улар ўзларининг энг яқин кўмакчилари эканини яхши тушунишади. Сабаби, уйда иссиқ ва совуқ сув, газ, свет бўлмаса, канализация ишламас ёки чиқиндилар вақтида олиб кетилмас ёки бўлишини тасавур қилаверинг.

Яшириб нима қилдик, ишимизда камчиликлар ҳам етарли. Бизга шижоатли ёш кадрлар етишмайди. Ходимларнинг асосий қисми қирқ ёшдан ўтганлар. Айрим ширкатларда ходимлар маҳсус кийимлар билан тўлиқ таъминланмаган. Аммо, ислохотлар сабабли яқин йилларда комму-

БИР ҲАФТАДА ЎН ИККИ ХОДИМ ИШДАН БЎШАТИЛДИ

нал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам илгор давлатлардагидай бўлишига ишонамиз.

— Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилган эди. Янги вазирликнинг соҳа ривожидида аҳамияти ва тизимдаги ёш кадрлар масаласи хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тан олиш керак, коммунал хизмат кўрсатиш замон талабларига жавоб бермасди. Жумладан, кўп қаватли уйлarning чор-атрофлари турли чиндиқларга, ертўлалари сувга тўлиб ётарди. Уй-жой ширкатлари ҳам шунчаки номига хизмат кўрсатарди. Бунинг натижасида энг қоқ ташкилотлар қаторига кириб қолганди. Ҳозирда одамларнинг дунёқарши ва яшаш

тарзи, талаби тамоман ўзгарган. Шуларни инобатга олиб, Юртбошимиз тизимни тамоман ўзгартиришга қарор қилдилар. Бу соҳа ривожидида катта туртки бўлиб, ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Ёш кадрлар масаласига тўхтайдиган бўлсак, бу борада қилинадиган ишлар анчагина. Аҳоли орасида коммунал соҳа ходимлари тўғрисида етарлича маълумот бўлмагани, маош пастлиги сабабимиз ишлар ёпирилиб келишмаяпти. Бошқарманинг туман ва шаҳар бўлимларида ишлаётганлар уртинмаёна ёки ундан пастроғ салохиятга эга. Малакасини ошириб, яхши ишлайдиганлар жуда кам. Ўқийман дейдиганлар учун ўқув курслари ҳам мавжуд. Лекин, ўзлари қизиқмас минг ўқитинг, натижа пастлигича қолаверади.

— Демак, ёш кадрлар фаолия-

тидан кўнглингиз тўлмаётган эканда?

— Яшириб нима қилдим, орамизда ишхонага келиб, вақтини беҳуда ўтказиб, “қуним ўтса бўлдида”, дея юрганлар ҳам бор. Айримлар раҳбарнинг кўз олдига ўзини фаол ишлаётгандай қилиб кўрсатади, бошлиқ кетиши билан шахсий муаммолари билан шуғулланишга тушади. Бундай кўзбўямачилик билан ўзини алдаётганини, узоққа бормаслигини тушунамайди.

Кўпчилик ёшлар умуман китоб ўқишмайди. Еган хисоботларини кўрсангиз шунақа хато кўп, бунақалар мактабда, коллежда, қолаверса, институтда қандай ўқиган экан, деб ҳайрон қолсан киши. Шундай бўлсада, ёш кадрларга камчиликларини тузатиш учун имкон

берамиз. Берилган имкониятдан тўғри хулоса чиқарганлар билан фаолиятни давом эттираемиз, хатоларини тўлиқ англаб етмаган ходимлар билан эса хайрлашишга мажбур бўламиз.

— Эшитишимизча, бошқарма тасарруфида бўлган бўлимлардан бир ҳафтада ўн икки нафар ходим эғаллаб турган лавозимидан бўшатилибди...

— Январ ойида бажарилган ишлар бўйича хисоботлар олинди ва 2020 йил режалари тасдиқланди. Ўз ишига ва кўйилаётган талабларга совуқонлик билан қараган масъул ходимларнинг хато ва камчиликлари кўрсатилиб, танқид қилинди. Замон талаби асосида ишлашга кўзи етмади шекилли, улар ўз ҳошияларига кўра ишдан бўшашга ариза беришди. Назаримда, ўз хатоларини тушунишди. Сабаби, бошқарма ходимлари туман ва шаҳарларга боришганида бирорта ходимни кўнжузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмади. Масъул ходимлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажармаганларидан кейин аҳолидан норозиликни мурожаатлари қўлаяпти.

Сафарали БЕКОВ
ёзиб олди

“Ўзметкомбинат” АЖ
 касаба уюшма кўмитаси
 барча юртдошларимизни, қалби қайноқ
 металлурглари уйғониш ва яшариш фасли –

Наврўзи олам

билан чин дилдан муборакбод этади!

Наврўз ҳар бир хонадонга кут-барака,
 файзу тароват, шоду хуррамлик олиб келсин!
 Дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин.
 Байрамингиз кутлуғ бўлсин, азизлар!

*Ўзинг қуёшимсан, ўзинг бир нурсан,
 Дунё сандиғида жабоҳир, дурсан,
 Минг бир фаслданки, сен яқиндирсан,
 Бағринида улайиш, раволик бўлсин,
 Наврўзга етганлар, осмонлик бўлсин!*

Бўка тумани
йўллардан фойдаланиш
 унитар корхонаси жамоаси
 юртдошларимизни нафосат ва
ўзгаллик айёми – Наврўзи олам
билан табриклайди!

Эзгу тилаклар, яшариш ва
 янгиланиш тантанаси
 бўлмиш бу айём
 барчамизга муборак бўлсин!

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ
 АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ
 ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

жамоаси халқимизни

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Азалий ва абадий қадриятларимиз рамзи
 бўлган ушбу айём юртимизга тўкинлик,
 хонадонларимизга файзу барака олиб келсин!
 Осмонимиз ҳамшиша мусаффо бўлсин!

Об-ҳаво маълумоти

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 18 март куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 23-25 даража илқ бўлади.

Вилоятимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қор кўчиши хавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илқ, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

ОЛМАЛИК КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ



акциядорлик жамияти жамоаси
юртимиз аҳолисини

Наврӯз айёми

Наврӯз нашидаси

билан табриклар, хонадонларига

кут-барақа, оилаларига

хотиржамлик тилайди!

Юртимиз тинч,

хонадонларимиз фрайзли бўлсин!

Храстингуз қувончу

шодликларга тўлсин, азизлар!

*Лолаларга бурканди дашт-далалар,
Насимларнинг нафасидан гул яйрар.
Булбул каби эсон қуши — кўнгиш сайрар,
Сен халқимнинг шукронасисан, Наврӯз.*

*Мўъжизадек туну кунинг баробар,
Дарахларни безаб келган, эй, заргар.
Хабар келтирдингми, жаннатдан магар,
Афсоналар афсонасисан, Наврӯз.*

*Таралади сумалакнинг хушбўйи,
Ҳар кўчада элимнинг базму тўйи.
Меҳмон кутар дастурхон ёзган кўйи,
Янги олам остонасисан, Наврӯз.*

*Ғунчаларни аста силаб саболар,
Ошиқ диллар ярасини даволар.
Таралади юртда ажиб наволар,
Табиятнинг гулхонасисан, Наврӯз.*

*Беморларга шифо берганинг гўзал,
Ҳар кўнгишдан дуо терганинг гўзал.
Барчани бир кўзда кўрганнинг гўзал,
Яхши ният қошонасисан, Наврӯз.*

*Қувончга тўлдириб хандон дилимни,
Чечакларга бурқаб келгин йўлимни.
Бахту саодати қулган элимнинг,
Ярқираган пешонасисан, Наврӯз.*

Абдуғани СУЛАЙМОН

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
(факс)
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.uz // th-tp@inbox.ru

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85

(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва Тохир
Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Баҳодир БАҲРОМОВ